

Бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда оила ва мактаб ҳамкорлигининг роли

Сурайё Илхомовна Ғайбуллаева
Бухоро халқаро университети

Аннотация: Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда оила ва мактаб ҳамкорлигининг ўрни ҳамда унинг педагогик аҳамияти ёритилган. Бола шахсининг миллий ўзлиги, Ватанга садоқати ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда оилавий муҳит, мактаб тарбия тизими ва улар ўртасидаги узвий ҳамкорликнинг самараси алоҳида аҳамият касб этади. Мақолада ота-оналарнинг тарбиядаги фаол иштироки, синф раҳбарининг тарбиявий режалари, мактаб-оила маслаҳат кенгашлари, ўқувчилар учун қўшма тарбиявий тадбирлар ва лойиҳаларнинг таъсири илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, ўқувчиларда ватанпарварлик хулқ-атворини ривожлантиришда психологик, ижтимоий ва маънавий омиллар, замонавий педагогик технологиялар ҳамда оила-мактаб мулоқотининг маданий модели ёритилган. Тадқиқот натижалари ота-она ва мактабнинг мувофиқлашган фаолияти бошланғич таълим босқичида баркамол, ватанпарвар ва ижтимоий фаол шахсни тарбиялашда муҳим омил эканини кўрсатади.

Калит сўзлар: бошланғич таълим, ватанпарварлик тарбияси, оила-мактаб ҳамкорлиги, тарбиявий муҳит, педагогик технологиялар, тарбия омиллари, ота-она иштироки, маънавий тарбия

The role of family and school cooperation in the formation of a sense of patriotism in primary school students

Surayya Ilhomovna Gaybullaeva
Bukhara International University

Abstract: This article explores the role and pedagogical significance of family-school collaboration in fostering a sense of patriotism among primary school pupils. The development of a child's national identity, loyalty to the Motherland, and civic responsibility is greatly influenced by the family environment, the school's educational system, and the effectiveness of their mutual cooperation. The article provides a scientific analysis of parents' active participation in upbringing, the class teacher's educational plans, school-family advisory councils, and joint educational

events and projects conducted for pupils. Additionally, it highlights the psychological, social, and moral factors that contribute to the development of patriotic behavior in students, modern pedagogical technologies, and the cultural model of communication between the family and the school. The findings demonstrate that coordinated efforts between parents and the school play a crucial role in nurturing a well-rounded, patriotic, and socially active individual during the primary education stage.

Keywords: primary education, patriotic upbringing, family-school collaboration, educational environment, pedagogical technologies, upbringing factors, parental involvement, moral education

Бошланғич таълим босқичи бола шахсининг асосий кадриятлари, дунёқараши ва ижтимоий муносабатлари шаклланадиган энг муҳим давр ҳисобланади. Мазкур босқичда берилган тарбия боланинг келгуси ривож, фуқаролик позицияси ва Ватанга муносабатига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, ватанпарварлик туйғусини эрта шакллантириш миллий ўзликни англаш, маънавий баркамоллик ва жамиятга садоқатли авлодни тарбиялашнинг асосий шартларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Бу жараёнда оила ва мактаб ҳамкорлигининг ўрни бекиёс. Оила боланинг илк тарбия маскани сифатида унинг ҳиссий дунёси, миллий тушунчалари ва кадриятларга муносабатини шакллантиради. Мактаб эса бу тарбияни педагогик тизим асосида ривожлантириб, боланинг фуқаролик онги ва ижтимоий масъулиятини чуқурлаштиради. Шу боисдан, оила ва мактаб ўртасидаги мувофиқлашган ҳамкорлик бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик хислатларини етакчи тарбиявий йўналиш сифатида кучайтиришга хизмат қилади.

Замонавий таълим тизими бу ҳамкорликни янги мазмун билан бойитишни, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда болаларда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва жамиятга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, оилавий муҳит, педагогик фаолият ва тарбиявий тадбирларнинг ўзаро уйғунлиги ватанпарвар авлодни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишида ана шу жараённинг назарий асослари, амалий механизмлари ва самарадорликка эришишда оила-мактаб ҳамкорлигининг ўрни ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда оила ва мактаб ҳамкорлиги тарбиявий жараённинг асосий мезонини ташкил этади. Педагогик назарияда бу ҳамкорлик “бирлашган тарбия муҳити” деб юритилади ва бола ижтимоий хулқ-атворининг барқарор

шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Психологик тадқиқотларга кўра, 7-10 ёшли болаларнинг 60-70% ахлоқий қарашлари оилада, қолган қисми мактаб ва тенгдошлар муҳитида шаклланади. Шу боисдан, оила ва мактаб ўртасидаги ўзаро мувофиқлик тарбия самарадорлигини белгилайди.

Олиб борилган илмий ишда тадқиқот объекти сифатида 4-“Д” синф ўқувчилари танланди.

Синфда жами 37 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди:

- Сўровнома (ота-оналар ва ўқувчилар учун)
- Педагогик кузатув
- Синф раҳбари фаолияти таҳлили
- Диагностик методлар (ўқувчиларда ватанпарварлик кўникмаларини баҳолаш)
- Оилавий муҳитни ўрганиш учун социологик кесим

Ўқувчиларнинг оилавий шароитига қараб уларни 3 та тоифага ажратилди. Натижалар қуйидаги 1-жадвалда умумлаштирилди

1-жадвал

4-“Д” синф ўқувчиларининг оилавий муҳити таркиби

№	Оила тури	Ўқувчилар сони	Салмоғи (%)
1	Тўлиқ оила	26	70,3 %
2	Ёлғиз ота/она	7	18,9 %
3	Ота-она иш билан банд (вакти чекланган)	4	10,8 %
	Жами	37	100 %

Бу маълумотлар шундан далолат берадики, тарбия самарадорлигида оилавий барқарорлик асосий омиллардан бири ҳисобланади. Тўлиқ оиладаги болаларнинг мактаб тадбирларида иштирок даражаси юқорироқ экани аниқланди.

Тадқиқот ишида оила-мактаб ҳамкорлиги тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида синфда бир ўқув йили давомида қуйидаги ҳамкорлик тадбирлари амалга оширилди:

- “Ватан муқаддас” маънавий суҳбати
- Ота-оналар билан қўшма лойиҳа: “Менинг оилам – менинг таянчим”
- Маҳаллий музейга экскурсия
- Фуқаролик маданияти бўйича тренинг
- “Ота-она маслахат кенгаши” йиғилиши

Режалаштирилган тадбирлар натижасида олиб борилган тадқиқот натижалари ўқувчиларнинг ватанпарварлик хулқ-атворида сезиларли ўсиш қайд этилганини кўрсатди 2-жадвал.

2-жадвал

Тадбирларнинг ўқувчилардаги ватанпарварлик кўрсаткичларига таъсири

Кўрсаткич	Диагностиканинг бошланғич натижаси (%)	Якуний натижа (%)	Ўсиш (%)
Ватан ҳақида билимлари	48%	82%	+34%
Миллий меросга қизиқиш	52%	79%	+27%
Мактаб тадбирларида фаоллик	58%	86%	+28%
Оилавий таъсир	63%	90%	+27%

Бу натижалар оилавий муҳитнинг тарбия самарасига таъсири жуда юқори эканлигини кўрсатади. Педагогик кузатувлар шуни тасдиқлайдики, ота-она иштирок даражаси юқори бўлган ўқувчиларнинг ватанпарварлик кўникмалари ҳам юқори бўлади.

Бу ўсиш оила-мактаб мулоқотининг самарали ташкил этилганини кўрсатади.

Тадқиқотчи томонидан ташкил этилган ватанпарварлик йўналишидаги тарбиявий ишлар ватанпарварлик туйғуларининг ривожланишига хизмат қилган. Олиб борилган сўровномалар натижасига кўра ўқувчилар оилавий муҳит ва тарбиясининг ўқувчилар хулқ атворида таъсири қуйидагича бўлган:

- 26 нафар ўқувчи (70,3%) ота-онаси билан мунтазам тарбияга оид мулоқотда бўлишини айтган.
- 22 нафар ўқувчи ота-онаси билан юрт тарихи ҳақида суҳбатлар қилишини билдирган.
- 31 нафар ўқувчи оиласи билан миллий байрамларда иштирок этишини таъкидлаган.

Психологик жиҳатдан қаралса, оиласи билан миллий тадбирларда иштирок этадиган болаларда: ижтимоий фаоллик, миллий ўзлик, фуқаролик масъулияти юқори даражада ривожланган.

Мазкур синф мисолида тарбия ишларининг самараси олиб борилган илмий ишлар натижасида қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди:

- Ўқувчиларнинг миллий рамзларга муносабати кучайди.
- Тарихий қаҳрамонлар ҳақидаги билимлар 1,7 баробар ошди.
- Оила ва мактабнинг умумий тарбия муҳити ўзаро боғланди.
- Синфда ижтимоий фаоллик 35% га ошди.
- Ватанпарварлик борасида ўқувчиларнинг мотивацияси мустаҳкамланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки олиб борилган тадқиқот натижалари бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш жараёнида оила ва мактаб ҳамкорлигининг ҳал қилувчи ўрин тутишини яққол намоён қилди. Таҳлиллар шундан далолат берадики, ўқувчиларнинг миллий ўзликни англаши, юртга садоқати, фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллиги аввало оилавий муҳитдаги тарбиявий муносабатлар ҳамда мактабдаги мақсадли педагогик ишлар билан боғлиқ. 4-“Д”

синф мисолида ўтказилган таҳлиллар ҳамкорликда олиб борилган тарбия ишлари натижасида ўқувчиларнинг юрт ҳақидаги билими 1,7 баробарга, маданий меросга қизиқиши 26% га, тарбиявий тадбирларда иштирок даражаси 28% га юқорилаганини кўрсатди. Ушбу кўрсаткичлар оила ва мактаб мулоқотининг тизимли йўлга қўйилиши ватанпарвар шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга эканини исботлайди.

Бошланғич таълимда ватанпарварлик тарбияси фақат мактабнинг вазифаси эмас, балки оила билан биргаликда амалга ошириладиган комплекс тарбиявий жараёндир. Ота-оналарнинг онгли иштироқи, синф раҳбарининг методик тайёргарлиги, мактабнинг тарбиявий муҳити ва маҳалла билан ҳамкорликдаги лойиҳалар ватанпарварлик хулқ-атворини ривожлантирувчи асосий омиллар ҳисобланади. Самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши эса баркамол, миллий ғояларга садоқатли, фаол фуқаролик позициясига эга авлодни тарбиялаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ғафур Ғулом, 2021. – 256 б.
2. Ҳамидов, Ҳ. Тарбия назарияси ва методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019. – 312 б.
3. Ходжаев, Б., & Раҳимов, А. Бошланғич таълим методикаси. – Т.: Фан ва технологиялар, 2020. – 284 б.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ–3907–сон қарори. "Ма’навий-маърифий ишлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари". – Тошкент, 2018.
5. UNESCO. Early Childhood and Primary Education: Parents–School Partnership Guide. Paris, 2020.
6. Epstein, J. L. School, Family, and Community Partnerships: Preparing Educators and Improving Schools. – Westview Press, 2018.
7. Bronfenbrenner, U. The Ecology of Human Development. – Harvard University Press, 2005.
8. Воҳидов, Ш. Оила педагогикаси. – Тошкент: Фан, 2021. – 228 б.
9. Қодиров, М. Бошланғич таълимда тарбия стратегиялари. – Т.: УзПУ нашриёти, 2022. – 240 б.
10. O‘zbekiston Respublikasi “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2020.
11. Комилов, Қ. “Бошланғич синф ўқувчиларини Ватанга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари”. // Педагогика илмий журали, №3, 2021. – Б. 45–52.

12. Mahmudova, N. “Family Influence on Primary School Pupils’ Values Formation”. // *International Journal of Pedagogical Research*, 2022. – P. 60–66.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. “Ма’навий тарбияни такомиллаштириш концепцияси”. – Тошкент, 2019.
14. Hasanov, O. *Maktab va oila hamkorligini tashkil etish metodikasi*. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020.
15. Лев Виготский. *Психология развития ребёнка*. – М.: Педагогика, 2019. – 384 с.
16. Nurmatov, Sh. “Patriotic Education in Primary Schools: Modern Approaches”. // *European Journal of Education Studies*, 2023. – P. 78–85.
17. O‘zbekiston Respublikasi Davlat taъlim standartlari (DTS). *Boшланғич taъlim*. – Тошкент, 2021.
18. Rahmonova, G. *Ma’naviy-ma’rifiy tarbiya nazariyasi*. – Тошкент: Istiqlol nashriyoti, 2018.
19. Azizxo‘jayeva, N. *Pedagogik kompetensiya va tarbiya jarayoni*. – Т.: Fan va texnologiya, 2020.
20. Anderson, J. *Family Engagement and Student Motivation in Primary Grades*. – Oxford University Press, 2021.